O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2006** йил, **27** октябрь, жума № **43** (2170).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **27** октября, **2006** год, № **43** (2170).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу - цена свободная

…Биз – темурийлар, бобурийлар авлодимиз. Бу авлод ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди, кимнингдир ишораси, кўрсатмасига қараб ўз ҳаётини қурмайди.

**Ислом КАРИМОВ**

Олий Мажлис Сенатида

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков раҳбарлигидаги мазкур ташкилот делегациясини қабул қилди.**

Учрашувда халқаро сайлов стандартларини ҳисобга олган ҳолда икки давлат сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш ва демократлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида ўтган амалий семинарда Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси А.Вешняков маъруза қилди. Семинар Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги тажрибасининг айрим жиҳатларига бағишланди.

Семинарда Олий Мажлис қонунчилик палатаси сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари, сенаторлар, Конституциявий ва Олий суд судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги Қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг олим ва мутахассислари иштирок этди.

Семинар қизиқарли мунозара ва эркин фикр алмашув руҳида ўтди.

**(ЎзА).**

## ИННОВАЦИЯГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН

**Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш тобора тараққий топиб бораётган бугунги даврда ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, интеллектуал салоҳиятни асраш ва ривожлантириш, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш, валюта захираларини тежаш сингари кенг кўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда инновацион технологиялардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.**

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида очилган “Инновация – 2006” халқаро илмий-амалий анжуманида юртимизда кечаётган инновацион жараёнларни янада жадаллаштириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, олимлар, саноатчилар ва тадбиркорларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинади. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий мактаб халқаро фанлар академияси, Навоий кон-металлургия комбинати, Стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш маркази каби муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирга мамлакатимиз олимлари, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари билан бирга Россия, Германия, Қирғизистон ва Қозоғистондан ҳам мутахассислар таклиф этилган.

Анжуманнинг очилишида таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан илм-фан тараққиётини янада жадаллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий лабораторияларда яратилаётган ихтиролардан амалда оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида иш юритишнинг замонавий технологияларини қўллаш, маҳаллий хомашёдан экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, табиий ресурсларни тежаш, экологик мувозанатни яхшилашга йўналтирилган илғор усулларни жорий этиш имконияти яратиляпти.

Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш маркази олимларининг информацион технологиялар соҳасидаги ютуқлари бунга мисол бўла олади. Мазкур марказ директори Омонулла Қодировнинг айтишича, олимларимизнинг ушбу йўналишда яратган илмий янгиликларидан Навоий кон-металлургия комбинатида оқилона фойдаланилаётир. Олимлар ва саноатчиларнинг бундай ҳамкорлиги хомашёни қайта ишлаш жараёнида бошқарувни автоматлаштириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда энергияни тежашда муҳим омил бўлаётир.

“Фан ва тараққиёт” илмий-технологик мажмуида эса табиий ва иккиламчи хомашёдан турли соҳаларда ишлатиладиган композицион материаллар олиш ва амалда қўллаш услубларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу илм даргоҳида яратилган пахта тозалаш машиналарининг ишчи қисмларини полимер композицион воситалар билан қоплаш усули қатор пахта тозалаш заводларида муваффақиятли қўлланиляпти. Бу маҳсулот сифатини яхшилаш, хомашёни тежаш ва техникадан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Икки кунлик халқаро илмий-амалий анжуманда мамлакатимиз ва жаҳон илм-фани эришаётган ана шундай ютуқлар, ундан амалда фойдаланиш самараси, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, бу борада халқаро алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилади. Иқтисодиёт соҳасида инновацион жараёнлар, табиий ресурсларни тежашга йўналтирилган илғор технологиялар, кончилик иши ва металлургия, экология, информацион тизимлар, ахборот хавфсизлиги муаммолари каби кўплаб йўналишларда маърузалар тингланади.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА.**



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

*Сен учун масъулмиз, азиз Ватаним!*



**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**

## ЮҚОРИ СТАНДАРТЛАР САРИ

Маҳсулот ва хизматларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистонда миллий сертификатлаштириш тизими барпо этилган ва амал қилмоқда. Уни ўтказиш таомили, тартибини йўлга соладиган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонун талабларини таъминлаш мақсадида бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга доир бир нечта идора ҳамда сертификацион синовларни ўтказиш бўйича аккредитацияланган лабораториялар барпо этилди.

Мувофиқликни баҳолаш давлат иқтисодий сиёсатининг мақсадларига эришиш учун жуда муҳимдир. Бироқ кўпинча унинг таомиллари савдо учун техник ғовлар яратади. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда мувофиқликни баҳолаш борасида эркин муомалани таъминлаш зарурати «соғлиқни сақлашнинг юқори даражаси, хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, шунингдек, истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилиш»ни кафолатлаш талаблари билан мувофиқлаштириши керак, деб ҳисобланади.

**(Давоми 8-бетда).**



**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**

## 2. САЙҚАЛЛАНАЁТГАН МАРВАРИД

**(Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига)**

Юртимиз довруғини дунёга таратишда Фарғона водийсининг марвариди, дея эътироф этилган Марғилоннинг, унда камол топган улуғ, мўътабар зотларнинг ҳиссалари беқиёс бўлганини яхши биламиз. Умри давомида Марғилон номини улуғлаган зотлардан бири Бурҳониддин Марғинонийдир. Унинг «Ҳидоя» – «Тўғри йўл» деб аталган китоби мана саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинмоқда. Бу ҳам бўлса ана шундай зотлари, ана шундай бебаҳо мероси бор юрт ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслиги, ўз йўлини ўзи белгилаб олишидан далолат. «…Шундай улуғ бобомизнинг азиз номини кўксингизга тумор қилиб тақиб олсангиз арзийди», деган эди Юртбошимиз Бурҳониддин Марғиноний бобомиз ҳақида фахру ифтихор билан.

Дарҳақиқат, Марғилон деганда, номи етти иқлимга машҳур бўлган буюк аждодларимиз, шунингдек, камалакдек товланиб турувчи сержило атласлари, ўзлигимиз рамзига айланган ранг-баранг дўппилари билан машҳур бўлган жаннатмакон бир гўша кўз олдимизга келади.

**(Давоми 8-бетда).**

Муштарийларимизга

## САДОҚАТНИ ШАКЛЛАНТИРАДИГАН МАКТАБ

Ҳаётдан улкан сабоқлар берадиган, йигит кишини ҳар томонлама тоблайдиган, чиниқтирадиган, юртига, халқига садоқатни шакллантирадиган мактаб армия мактабидир. Умрига татигулик сабоқлар олиб, ҳар томонлама чиниқиб, резервга бўшашга – ёруғ юз билан уйига қайтишга шайланаётган ўғлонларимизга бир қаранг. Ватаннинг сурати уларнинг нигоҳларида чақнаётир. Қалбларида бир оташни – она юрти Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида ёниб яшашга, жавлон уришга ундаётган шижоатни сезасиз.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарияти армиядан қайтаётган ўғлонларимизга устувор эътибор қаратиб келмоқда. Қалбларда ёниб турган шижоат, ғайрат тараққиётимизга, буюк келажагимизга хизмат қилиши учун муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ўғлонларимизнинг бандлиги, иш билан таъминланиши масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида. Илм-маърифат чўққиларини эгаллашга, комил, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишга аҳд қилиб, Тавсиянома соҳибларига айланиб, муддатли ҳарбий хизматдан қайтаётган шерюракларнинг олий билим даргоҳларига ўқишга киришига имтиёзлар яратилмоқда. Демакки, улар қалбларидаги маърифатдан аланга олаётган куч Ватан истиқболига йўналтирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий армиямизни ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва зиё масканида олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантирмоқда. Шу сабабли бу мактабни ўтаган мардларимизга таянишимиз, суянишимиз мумкин.

Маълумки, Қуролли Кучларимиз сафларига олинган, бугуннинг аскари бўлишдек шарафли, масъулиятли иш зиммасига юкланган ўғлонларимиз таъкидланаётган ҳаёт мактабидан илк сабоқларни олишни бошлашди. Резервга бўшашга ҳозирлик кўраётган шерюракларга боқишиб, улар кўнгилларидан «биз ҳам миллий армиямиз сафларида мардонавор хизмат қилишимиз, чиниқиб, тобланишимиз, келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг порлоқ истиқболи йўлида ёниб яшашимиз керак», деган ҳавас кечмоқда. Ўзбекистони аскари бўлганидан фахр, ғурур кечмоқда, қалбларидан. Ҳа, мана шу ғурур, мана шу фахр юракларида уйғоқ экан, улар маҳоратда, ақл-заковатда, интеллектуал салоҳиятда, ўз халқига садоқатда ҳеч кимдан кам бўлишмайди.

**ТАҲРИРИЯТ**



**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**

## РЕАЛЬНЫЙ СУВЕРЕНИТЕТ И НАРОДОВЛАСТИЕ

**Есть проблемы, которые актуальны всегда, и есть события, которые памятны во все времена. В ряду таких событий – День Конституции Республики Узбекистан, первой Конституции нашего независимого государства.**

Скоро исполнится четырнадцать лет с того памятного дня, когда Верховный Совет республики на своей одиннадцатой сессии 8 декабря 1992 года принял новый Основной Закон, по которому мы живем, реформируем, модернизируем и строим новое общество и государство. По историческим меркам это срок небольшой. Но он позволяет нам, оглянувшись на прошлое, оценить сделанное за годы независимости, глубже понять исторический, истинно гуманный характер нашей Конституции, ее роль в становлении нового государства и развитии общества и ее судьбоносное значение для каждого человека. Четырнадцать лет в рамках нашей Конституции – это время больших экономических, научных, технологических преобразований и социальных перемен, утверждающих торжество идеалов независимости на нашей прекрасной и благодатной земле.

**(Окончание на 8-й стр.).**



2 ТАКТИК-ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА ТОБЛАНИБ
АРТИЛЛЕРИЯЧИЛАР ПАНД БЕРИШМАЙДИ



3 КУЗГИ ЧАҚИРУВ – 2006
ҚАЛБЛАРИДА ЁШЛИК ҒАЙРАТИ



11 ҚАДРИЯТ
ЧЎГИРМАЖОН, ЧЎГИРМА...



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
«... БУГУН ЮРТНИНГ БАҲОРЛАРИ ХУШ»

ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

# ҲАРБИЙЛИКДИР ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИ

**Оила – табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.**
**Ж. САНТАЯНА.**



**Дунёда касб-ҳунарнинг турлари кўп. Унинг эса яхши-ёмони бўлмайди. Лекин шундай шарафли касб эгалари борки, улар доимо халқимиз ардоғида. Яъни эл-юрт тинчлиги, Ватан ҳимояси йўлида камарбаста бўлиб, туну кун хизмат қилаётган ҳарбийлардир. Биз бугун ана шу касбга меҳр қўйиб, уни ҳаётининг мазмуни деб билган бир ҳарбий оила ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.**

Гўзал ва сўлим Андижон воҳасида дунёга келган Соҳибжоннинг болалиги такрорланмас, ширин, беғубор ҳаёт оғушида ўтган. Болалигиданоқ тенгқурлари орасида ғайратлилиги, чаққонлиги билан ажралиб турган йигитча кўпроқ ҳарбий мавзудаги китобларни ўқир, киноларни севиб томоша қилар, бўш вақт бўлди дегунча, спорт билан шуғулланарди. Балоғат ёшига етиб, мустақил ҳаёт йўлини танлаш имкони пайдо бўлганида эса, ҳеч иккиланмай ҳарбий соҳани танлади.

– Бунга акам Содиқнинг муддатли хизматни ўтагани ҳам катта туртки бўлди, – дейди офицер Соҳибжон Содиқов. – Дадам билан бирга акамнинг хизмат жойига борганман, аскарларнинг ўзларига ярашиб турган ҳарбий либослари, уларнинг сафда чиройли, шахдам қадам ташлаб юришларини, ҳарбий техникаларни бошқаришларини кўриб, ич-ичимдан ҳарбийликка янада ҳавасим ортганини ҳис қилдим.

Ҳа, ота-онанинг дуоси вожиб, дейдилар. Қодироҳун ака ва Фотимахон опаларнинг оқ фотиҳасини олиб, пойтахтга умидли орзулар ила йўл олган Соҳибжонга юртимиздаги нуфузли Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсанти бўлишдек бахт насиб этди. Шу кун орзулар қанотида сузиб юрган ўғлон ҳарбийлар оламининг остонасига илк бор қадам қўйди.

– Бу кун ҳаётимдаги энг унутилмас, энг сермазмун кунларимдан бири бўлиб қолган, – дейди у. – Ўзимнинг қувончим бир олам бўлган бўлса, ота-онамнинг, яқинларимнинг қувончи минг-минг олам бўлган, ўша кун.

Ҳарбий либос кийиб, бу соҳанинг нечоғли заҳматли, машаққатли ва масъулиятли эканини билган Соҳибжон бор имкониятини, салоҳиятини ишга солиб, ўқиб, изланди. Устозларидан ҳарб илми билимларини пухта ва чуқур ўзлаштирди. Уларнинг меваси ўлароқ, билим юртини малакали, тажрибали офицер сифатида якунлади.

Илк хизматини қўриқчилар батальонида бошлаган ёш офицер мотоўқчилар ҳарбий жамоасида взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида давом эттириб, ўз малакасини катта офицерлар тажрибаси асосида бойитиб борди. Ҳозирда эса, алоқачилар ҳарбий қисмида хизмат қилиб келмоқда.

– Офицер Соҳибжон Содиқовнинг ҳарбий жамоамизда ўз ўрни бор, –дейди офицер Абдуғофир Ўрозалиев. – У ўз касбига меҳр қўйган. Вазифаларини доимо масъулият билан бажаради. Ўзининг инсонийлик, олижаноблик фазилатлари ила барчанинг қалбидан бирдай жой олиб улгурган.

Ҳар ким ўзи ҳақида мақтов гапларни айтишга хижолат қилади, албатта. Биз у тўғрисида аскарларнинг фикрларини билишга қизиқдик.

– Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларига қизиқиш билан қатнашамиз, – дейди оддий аскар Аваз Миркаримов. – Уларнинг сабоқлари орқали кўп нарсадан воқиф бўламиз. Доимо бизнинг хизматимиз, оиламиздаги янгиликлар, сафдошларимиз билан ўртамиздаги муносабатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, маънан ва руҳан ёрдам берадилар.

Ишдаги ишқ деганларидай, Соҳибжон ўз бахтини шу ерда, алоқачилар жамоасида топди. Буни қарангки, шартнома асосидаги хизмат оддий аскари Лола Равшанова, қисмнинг моҳир алоқачиси. Яъни у ҳам ҳарбийликка умрини бахшида қилганлардан бири.

Соҳибжон илк муҳаббатини эсга олиб, шундай дейди: – Лолахон билан биринчи учрашганимдаёқ, юрагим жиз этганди. Кейин унинг дугонаси орқали у билан яқинроқ танишиб олдим. У Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидан экан. Шу-шу ўртамиздаги муносабатлар соф муҳаббатга айланди.

– Илк учрашувимизданоқ, севги изҳор қилганлар, – дейди уялибгина Лолахон. – Мен, у кишини инсонийлик фазилатларини қаттиқ ҳурмат қиламан. Оилада ҳам, ишда ҳам бир-биримизга елкадош, ҳамфикр бўлиб, тинч-тотув яшаяпмиз.

Ота-оналарининг қўллаб-қувватлашлари билан турмуш қурган бу икки ёш юрт посбонлари, ҳозирда ҳавас қилса арзигулик оилалардан бири. Жажжи, ширингина Ўткирбекнинг меҳрибон адажониси ва аяжониси, улар.

Яқинда ҳарбий қисм ҳисобидан берилган янги уйга кўчиб ўтишди. Бу ҳам Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси, ҳукуматимиз томонидан ҳарбийларимиз ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг исботидир.

Сўзимиз охирида юртимизда Соҳибжон ва Лолахон каби ҳаётини ҳарбийликка, Ватан ҳимоясига бахшида қилган бахтли оилалар кўпаяверсин, деб қоламиз.

**Аҳрор ОЧИЛОВ.**

Хотин-қизлар кенгаши фаолияти

# МЕҲР ВА ФИДОЙИЛИК ИЛА



**Муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги Фармони хотин-қизларимиз ҳаётида жуда катта аҳамият касб этганига гувоҳмиз. Бу борада Мудофаа вазирлиги тизимида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор.**

Шу йилнинг январь ойида Мудофаа вазири буйруғига биноан ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимлари фаолияти тўғрисида низом ишлаб чиқилди. Бунга асосан ушбу бўлимларни ҳарбий округ, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг тарбиявий ишлар бўйича бошқарма (бўлим)лари қошида ташкил этиш учун ишчи ўринлари яратилиб, асосий иш йўналиши ва вазифалари белгилаб берилди. Айни дамда бир қатор ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимлари – хотин-қизлар кенгаши фаолияти жадал суръатларда олиб борилаяпти. Биз яқинда Шимоли-ғарбий ҳарбий округида бўлиб, тарбиявий ишлар бўлими бошлиғининг ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича ёрдамчиси – хотин-қизлар кенгаши раиси Шоҳида Усмонова билан суҳбатлашдик ва унинг амалдаги фаолияти билан яқиндан танишдик.

Албатта, ҳар бир янги иш жараёнини йўлга солиш, татбиқ этиш бирмунча тайёргарликни, тўғрироғи, астойдил тер тўкишни талаб этади. Бу борада округ хотин-қизлар кенгаши етакчисига шубҳасизки округ тарбиявий ишлар бошқармаси катта таянч бўлди. Шунингдек, олий маълумотли, педагогика соҳасида бирмунча тажрибага эга бўлган Шоҳидахон ўзидаги бор имкониятни ишга солди. Ишнинг дастлабки босқичида округ тасарруфидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмалар хизматчиларига шахсий варақалар тарқатилиб, уларнинг оилавий аҳволига доир ўндан зиёд саволларга жавоб олинди. Бу уларнинг оиласи ҳақида тўлиқ маълумот олишга яқиндан ёрдам берди.

– Давлатимиз томонидан ҳарбий оилаларга катта эътибор қаратилган, – дейди кенгаш раиси суҳбат чоғида. – Бироқ ҳар қандай оилада ҳам маълум муаммолар учраши табиий ҳол. Масалан, ҳарбий оила бекалари орасида ишсизлари мавжуд. Биз уларнинг мутахассисликларини аниқлаб, иш билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Мен ҳар бир оила билан яқиндан танишиш мақсадида режа тузиб олганман. Унга кўра, ҳар ойда ўндан зиёд оилада бўлиб, суҳбат ўтказишга ҳаракат қиламан. Округдаги ҳарбий қисмлар ва ҳарбий шаҳарчадаги мактаб, боғчада кенгаш аъзолари иш олиб боришаяпти. Булардан Улменен Жеямуратова, Лена Сароткина, Шаҳноза Ҳошимова, Роза Аманова, Марҳабо Ҳазратқуловаларнинг номини алоҳида келтириб ўтишни истардим. Биз ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий оила бекалари билан тез-тез йиғинлар ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси давлат ташкилотлари билан келишилган режа асосида ҳамкорликни йўлга қўйдик. Байрам тадбирлари, ҳарбий оилалар ўртасида «Энг ибратли оила», ҳарбий қисмда «Балли йигитлар», ҳарбий либосдаги аёллар орасида «Балли қизлар», шунингдек, ҳарбийларнинг фарзандлари билан мактабда «Ёшлик – бебаҳо бойлик» мавзуларида йиғинлар ўтказдик. «Соғлом авлод» жамғармаси билан ҳамкорликда кўп фарзандли оилаларга байрамларда совға-саломлар улашаяпмиз. Албатта, ҳар бир қилинган иш хусусида тўхталиш қийин. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир ҳаракатимиз ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўртасида маънавий-маърифий ва ахлоқий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, уларга керакли чоғда ижтимоий ёрдам ташкил этиш ҳамда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнларида фаол иштирок этишга қаратилган.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш ушбу бўлим бошлиғидан аввало маънавий теранлик, ҳаракатчан ва эътиборлилик, яратувчан ва ўз ўрнида сўзамолликни талаб этади. Бу борада Шоҳидахон Усмоновани ўз вазифасига муносиб эканлигига шубҳа йўқ. Биз унинг иш режаси билан танишар эканмиз, йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Маънавият тарғиботи маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, Ёзувчилар уюшмаси каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари орасида ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратдик. Ўтказилган тадбирларнинг мавзу моҳияти хилма-хил. Давлатимизнинг умумхалқ байрамлари ва муҳим саналарга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Энг асосийси, барчасининг негизида ватанпарварлик руҳи ва ҳарбий оилалар билан муқим алоқа мужассам.

Округ тарбиявий ишлар бўлими бошлиғининг ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича ёрдамчиси, яъни округ хотин-қизлар кенгаши етакчиси бўлишдек масъулиятли вазифа ишониб топширилган Шоҳидахон Усмонованинг шахсий фаолиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, у ҳам ҳарбий оила бекаси, икки фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи капитан Алишер Аҳмедов ҳарбий қисмда хизмат қилади. Айтмоқчимизки, ҳарбий оиланинг пасту баланд томонлари унга беш қўлдек аён. Балки шу сабабли ҳам у зиммасига олган ушбу вазифани меҳр ва фидойилик ила амалга ошираётган бўлса, ажабмас. Унинг эзгулик йўлидаги фаолиятининг истиқболдаги янги-янги қирраларини яна қаламга оламиз, деб умид қиламиз.

**Зулфия ЮНУСОВА.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**

Дошкольное воспитание

# КАК ЖИВЕШЬ, МАЛЫШ?

Останавливались ли вы у ограды детских садов? Задержитесь хоть на минутку, понаблюдайте за малышами, что недавно сделал я, остановившись у детского сада № 23. Сколько у ребятишек неуемной энергии, как точно они копируют движения своих сверстников, педагогов! Покажи им, как бросать мяч в цель или ходить по бревну, – в точности все исполнят, таковы способности этого возраста.

Обратил я внимание и на площадки – разноцветные и веселые, снабженные песочницами, сказочными домиками, качалками и кораблями. Здесь же простейшие спортивные снаряды, беговые дорожки, словом, в этом детском саду Министерства обороны созданы все условия для гармоничного развития малышей. Ведь наше будущее связано прежде всего с будущим поколением. И то, каким оно будет, зависит от нас! Только мы можем вырастить здоровых детей, здоровую нацию, здоровую страну.

– Дети – это смысл и содержание нашей жизни, – говорит заведующая детским садом Ибодат Хамидовна Расулова. – В них наши лучшие надежды и чаяния. Здоровы они, спокойно им живется, есть у них все для нормального роста, учебы, гармоничного развития – значит, и у нас, педагогов, и у их родителей хорошо на душе.

Да, не только семья формирует личность ребенка. Чудесную науку познания мира они начинают проходить уже в детском саду.

В этом детском дошкольном учреждении основной программой обучения является «Ребенок третьего тысячелетия». Педагоги стараются развивать природные задатки детей на занятиях по музыке, рисованию, физкультуре, учат их развивать мышление, любить природу и животный мир. Все занятия проводятся комплексно, в игровой форме. Заботой и вниманием окружают своих питомцев воспитатели Дилором Хамдамова, Саера Миллиева, Мухаббат Эшимова и другие. С радостью и большим желанием посещают дети музыкальные занятия, которые проводит Гульшан Юлдашева.

Трудно переоценить значение медицинского контроля за физическим воспитанием детей. Здесь работают врач-педиатр и две медицинские сестры. Они помогают воспитателям в выборе и совершенствовании средств и методов физвоспитания дошкольников, проводят медосмотры и осуществляют контроль за санитарным состоянием в группах.

– Дети – наше будущее, – говорит методист Дилором Хаджиматова. – И именно поэтому мы стремимся открыть им радость и бесконечные возможности для духовного развития. Ведь с первых дней независимости республики каждый год в нашей стране был годом активных действий, направленных на гармоничное развитие подрастающего поколения, развитие творческих способностей. Мы многое делаем в этом направлении. Помимо основных занятий, дети с любовью и радостью посещают кружки – танцевальный и таэквандо.

Не только о духовном развитии детей заботятся педагоги. Все прекрасно понимают, как важно для ребенка здоровое питание. Здесь оно трехразовое, пища разнообразная и, что самое главное, полезная и свежая. Помимо обычных продуктов, дети постоянно получают фрукты и соки. И большая заслуга в этом принадлежит заведующей по хозяйственной части Кансулу Конжаровой.

Родители могут быть спокойны за своих детей. В этом детском саду они окружены вниманием и заботой со стороны взрослых, которые умело их готовят к учебе в школе – к этому предстоящему серьезному труду. Педагоги делают все от них зависящее, чтобы их воспитанники подготовились к ней умственно, нравственно и физически.

**Борис СЕРГЕЕВ.**



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Bolalar, sizlar uchun!

## ZUKKOLIKDA TENGI YO'Q

Maktab o'quvchisi Shahzod Qodirov Qozon hayvonot bog'iga bir yil mobaynida bepul kirib-chiqish imkoniyatini qo'lga kiritdi.

Bog' ma'muriyati tomonidan e'lon qilingan tanlovda ishtirok etgan Shahzod zukkoligi bilan katta yoshdagi kishilardan ham ustun chiqdi. Yangi tug'ilgan ayiq bolasiga munosib nom topishda Shahzod tanlov hay'ati tomonidan qo'yilgan shartni to'g'ri anglaganligi tomoshabinlarni qoyil qoldirdi. Ayiqchaning otasi Permyak laqabli ayiq bo'lib, onasining «ismi» Malishka edi. Yangi mehmonga qo'yilishi kerak bo'lgan ismda «P» va «M» harflari ishtirok etishi va bundan qandaydir ma'no anglashilishi kerak edi.

Shunday qilib, Shahzod o'ylab topgan ism – Pomposhka. Ana shunaqa gaplar.

**SEHRLI RAQAMLAR**

Sehrli raqam «sakkiz»,
«Oyoq» qo'shib qo'ysangiz,
Paydo bo'lar o'sha on
Asl dengizchi hayvon.

«Qirq» soni ham chakkimas.
Sehrda u yangimas.
Qo'shsangiz unga «bo'g'in»,
Bir jonzot paydo tag'in.

Aytsin aqli o'tkirlar
Ushbu jonzotlar nomin,
Ham keltirsin sehrgar
Raqamlarning davomin.

**CHAQMOQ VA YOMG'IR**

Guldur-guldur,
Guldur-guldur,
Tut qoqmoqda
Ko'kda kimdir,

«Yarq» etdi-yu,
Ko'rdik bizlar
Titrab ketdi
Tutildizlar.

Va boshlandi,
Yog'di duv-duv.
Yog'di tutmas,
Go'yo inju.

ТЎКИН ДАСТУРХОНИНГИЗГА

### ШАКАРЛИ ПЕЧЕНЬЕ



1 стакан шакар, ярим стакан ёғ, 2 дона яхшилаб кўпиртирилган тухум, 1 стакан ёғли сметана, 1 ош қошиқда ванилин, 1 чой қошиқ бодом мағизи, 3 стаканча ун, 1 чой қошиқда туз, ярим чой қошиқ ош содаси. Ёғ ва шакарни биргаликда аралаштирасиз, олдин тухум ва сметанани, кейин ванилин ва бодом мағизини қўшасиз. Ҳосил бўлган аралашмага ун, туз ва содани аралаштириб, сепасиз. Хамирни бироз тиндириб, ёясиз, ундан юрак шаклидаги печеньеларни қирқиб олиб, 190 С иссиқ духовкада қизаргунча пиширасиз.

### «ГУМБАЗ» ТОРТИ



2 дона тухум, 1 стакан шакар, 1 стакан сметанани аралаштириб, 0,5 чой қошиқда ош содаси, 0,5 банка қуюлтирилган ширин сут, таъбга кўра какао кукунини 1,3 стакан ун билан аралаштириб, хамир қиласиз. Духовкада пишириб олгач, совутасиз 2 ёки 3 бўлакка бўлиб, уларни ширин қиёмга ботириб олинг ва юзига крем суринг. Уни гумбаз шаклида тахланг.

### КАКАОЛИ ПИРОГ

2 стакан шакар, 3/4 стакан маккажўхори ёғи, 1 дона кўпиртирилган тухумдан аралашма тайёрлаб, 4 чой қошиқда ош содаси, 2,5 стакан ун, 2/3 стакан какао, 3/4 чой қошиқда тузни аралашмага қўшинг. Иссиқлиги 350 С бўлган духовкада 30 дақиқа пишириб олинг. Духовкадан олиб, 100 г. сариқ ёққа 300 г. қанд упаси, 1 ош қошиқ ванилин ва бироз қаймоқ қўшиб, аралашма тайёрланг ва уни пирогнинг устига «сепиб» чиқинг.

## ГЎЗАЛЛИК СИРЛАРИ

### МОЙЧЕЧАК МЎЪЖИЗАЛАРИ



### Сочларга

Ёғли сочларни мойчечак ва маврак дамламаси (бир ош қошиқ ўтдан 0,5 л қайноқ сув) билан ҳафтасига бир марта чайиб туриш керак. Бунда бош териси қуриб сочлар жилоланадиган бўлади.

### Юз терисига...

Мойчечак қайнатмаси ювиниш учун энг яхши восита. Ҳар куни эрталаб дамлама билан юз ва бўйинни ювиш мумкин. Дамлама совунга нисбатан юмшоқ ва кимёвий воситалардан кўра антибактериал хусусиятлари ишончлироқ.

### Ингаляция

Мойчечакли ингаляция нафақат йўталга қарши восита, балки у билан юз терисини яхши тозалаш ҳам мумкин. Фақат бу жуда иссиқ бўлмаслиги керак.

### Асабга...

Шунингдек, мойчечак дамламаси асаб тизимини тинчлантириб, кўнгилни хотиржам қилади. Ушбу дамламани ванна сувига қўшиб, ўн беш дақиқа ётиш жуда фойдали.

### Мойчечакли муз бўлаклари

Муз бўлаклари тери таранглигини оширишни ҳаммага маълум. Мойчечак дамламасини музлатиб, кейин қовоқ остига суртса, ажиннинг олдини олади. Бундан ташқари, бурун атрофи ва ияк атрофида пайдо бўлган «апельсин» терини текислайди.

